

ИШОНЧНИ ОҚЛАГАН ЕТАКЧИЛАР ЖАМОА ТОМОНИДАН ҚАЙТА САЙЛАНМОҚДА

САЙЛОВ – СИЙЛОВ БЎЛМАСИН!

Инсон бирор ташкилот, корхона-муассасада меҳнат қилар экан, ишига яраша маош олишни, оиласи билан фаровон турмуш кечирини, зарур пайтда ижтимоий қўловни хоҳлайди. Бу, ўз навбатида, кўплаб меҳнат жамоаларида ходимларнинг тобора қалқони бўлиб бораётган касабга уюшмалари нуфузини янада оширмақда. Ўзига юклатилган вазифа ҳамда мажбуриятни ба-жармаган, маъсулиятни ҳис қилмаган, охир-оқибат ишонч-ни оқлай олмаган етакчилар эса бундай обрў-эътибор ко-зонолмайди, албатта. Чунки вақт ҳаммасига ўз ҳукмини айтади. Демак, жорий йил касабга уюшмалари ҳаётида қилинган ишлар тарози палласига қўйилмаган, келгусидаги ре-жalar баён этиладиган ва жа-моадорлар ўз хулоса ва қа-ро-рини қабул қиладиган муҳим сарҳисоб даври ҳисобланади.

Дарҳақиқат, энди касабқўм-лар аввалги йиллардагидек но-мигагина сайланмади. Улар-нинг номи бору ўзи йўқ каби-лида юришларига-ю, ўзи ёки раҳбар истагандек иш тутиш-ларига ҳам йўл қўйилмади. Одамлар ўз ҳақ-хуқуқини кун сайин танимоқда. Ўзининг ко-нуний талабини қўймоқда. Хо-димлар бу йилги сайловларда ўзларига бошлангич касабга уюшма ташкилоти етакчисини муқобиллик асосида, бир неча номзодлар ичидан сайлаб-сара-лаб олмақда.

Бундан беш йил аввал вило-ятимизда 2374 та ташкилот ўз сафида 300 мингдан ортиқ аъзо-ни бириктирган эди, – дейди Ўз-бекистон касабга уюшмалари Фе-дерациясининг Сурхондарё ви-лояти кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири Бахрулло Муҳам-мадиев. – Бу кўрсаткич ўтган давр мобайнида сезиларли дара-жада ошиб, аъзолар сони 444458 нафарга етди. Бошлангич ка-саба уюшма ташкилотлари сони эса 2781 тани ташкил этмоқда. Ҳозирги кунда уларнинг 32 фо-изиди, яъни 890 тасида муко-биллик асосида ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди. Эътиборлиси, 30-40 кишилик кичкина идора, ўқув муассасаси бўладими ёки 1500-2000 киши меҳнат қиладиган йирик кор-хона – барча-барчасида жамоа,

аввало, касабга уюшма етакчи-лиги учун уч-тўрт номзодни са-ралаб қўймоқда. Сўнгра улар-нинг орасидан яширин овоз бер-иш йўли билан фақат энг му-носиблари, энг халқларварла-рини раҳбарликка сайлаб олиш-моқда.

Жумладан, Ангор тумани-даги 1-мактабда бўлиб ўтган йилгида педагогик жамоа бошлангич касабга уюшмаси томонидан сарҳисоб даврида амалга оширилган ишларни э-тироф этиб, энг овоздан Бах-тиёр Кобуловга яна қайта ишонч билдиришди. Бинобарин, раис ташаббуси билан ўтган 5 йилда 39 нафар ходимга турли ми-кродора моддий ёрдам кўрсати-лган, 38 нафар педагогга сана-торийларга соғлиқларини тиклаш учун 120,6 млн. сўмлик имти-ёзли йўлланмалар олиб берил-ган. Аммо бу борадаги ишларга Ўзун туманидаги 79 нафар иш-чи-ходим фаолият юритаётган 19-мактабда эътибор сустилиги, ижтимоий ҳимояси коникарли даражада бўлмаётгани учун бу гал жамоа касабга уюшма кўми-таси раислигига номзоди кўрс-атилган Ҳидоят Холиёровани лойиқ топдиши.

Сариосиё тумани тиббиёт би-рлашмасида бўлиб ўтган йил-гида ҳам қилинган ишлар бир-ма-бир сарҳисоб этилди. Айни пайтда мазкур би-рлашма тасар-руфидидаги шифо масканларида 2467 нафар ходим фаолият юри-тмоқда. Шундан 1951 нафарини аёллар, 266 нафарини 30 ёшга-ча бўлган ёшлар ташкил этди. Ў-тган йилларда Жамоа шартно-масига мувофиқ, касабга уюшма маблаг ҳисобидан 47 нафар хо-дим ва уларнинг 19 нафар оила аъзоси учун «Чинобод», «Турон», «Умид гулшани» каби санаторий-ларда соғлиқларини тиклашлари учун йўлланмалар олиб берилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 722 нафар ходимга 170,8 млн. сўм-дан ортиқ моддий ёрдам кўрс-атилди. 650 нафар ходим ва улар-нинг оила аъзолари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳар-ларига саёхатга олиб борилди. Бу эзу ишлар учун касабга уюш-малари маблагидан 105 млн. сўм сарфланди.

Бундан 3-4 йил аввал иш-сиз эдим. Би-рлашмадагилар менга хайроҳок бўлиб, ишга жойлаштиришди. Ижтимоий аҳволимни эътиборга олиб, ҳар йили моддий ёрдам ва байрам-

лар арафасида эсдалик совга-лари беришди. Шунингдек, ўтган йили касабга уюшма то-монидан ажратилган йўлланма асосида «Сангардак» сана-торийсида соғлиқимни бепул тиклаш имкониятига ҳам эга бўлдим, – дейди мамнуният билан Сариосиё тумани тиббиёт би-рлашмаси ховли супурувчиси Зебо Юнусова.

Яхшилик ҳеч қачон ерда қол-майди. Савоб иш қилишни ўзи-нинг бурчи ва вазифаси деб бил-ган, меҳнати ва ташаббускорлиги билан барчанинг меҳрини қозон-ган Аскар Йўлдошевга сайлов жараёнида ҳамкасблари яна бир қарра ишонч билдиришди.

ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ – УСТУВОР МАКСАД!

Бу эзу мақсадга касабга уюш-малари ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иктисодий, меҳнат ва ҳуқуқий муҳофазасини таъ-минлаш орқали эришади. Айни йўналишдаги ишлар 484 киши фаолият юритаётган «Термиз дарё порти» МЧЖ да нафақат таси раислигига номзоди кўрс-атилган Ҳидоят Холиёровани лойиқ топдиши.

Маълумот учун: «Термиз дарё порти» 4 километрлик ри-вовланган темир йўл тармоғига эга бўлиб, бир вақтининг ўзида камиди 1000 та темир йўл ва-гонини қабул қилиш имконини беради. Шу боис бу ерда иш-чи-хизматчиларнинг қўли-қў-лига тегмайди. Корхонадаги ҳар бир ишчи-ходимнинг ҳақ-хуқуқи самарали ҳимояда. Чи-лангарми, фаррошми, механик ёки кема капитани – барча-бар-часига иш стажига, тажриба-сига, унвонига қараб ойлик ма-ошларига қўшимча устамалар бериб борилади. Жамоа шарт-номасига мувофиқ, зарарли меҳнат шартинида ишловчи 44 нафар ходим махсус кийим-бош, сўт-қатик махсулотлари билан доимий таъминланган.

Ушбу портда меҳнат қила-ётган ходимларнинг 19 нафари пенсия ёшидагилар, 68 нафари аёллар ва 105 нафари ёшлардир. Уларнинг барчаси эъзозу эъти-борда бўлиб, соғлиги ва ҳаёти суғурга қилинган.

Бундан ташқари, мазкур кор-хонада ишлаб пенсияга чиққан фахрийлар ва уларнинг оила аъ-золари ҳам эътибордан четда эмас. Чунки, 52 йил шу ерда меҳнат қилган ва ҳозир 85 ёшни қаршилаган Розия Альхановага байрамларда турли совғалар тухфа этилади. Марҳум флот ходими, капитан Виктор Ар-хиповнинг оила аъзолари учун янги уй-жой қуриб берилди. Фарзанди Марина Архипова корхонага доимий ишга жой-лаштирилди.

Мана шундай юзлаб хайрли ишларга бош бўлган Элмира Калимулини бу гал ҳам жа-моа касабга уюшма етакчиси си-фатида сайлашди.

Сурхондарё вилояти Фавку-лода вазиятлар бошқармасида фаолият юритаётган 814 нафар ишчи-ходим касабга уюшмалари тимсолида ўзларининг суян-ган тоғини, ҳақ-хуқуқларининг мустаҳкам ишончли ҳимоячи-сини кўради, десак, асло мубо-лага бўлмади.

Бинобарин, касабга уюшма маблаглари ҳисобидан ўтган беш йил мобайнида 112 нафар ходимга саломатликларини тиклашлари учун республикамиздаги турли санаторийларга йўлланмалар бе-рилди. 256 нафар ходимга турли миқродора моддий ёрдам кўрс-атилди. Биргина ўтган йили 50 нафар ходим Тошкент, 20 нафар ходим Хивага саёхатга олиб бе-рилди. Ёзи мавсуми эса улар-нинг 48 нафар фарзанди вилоят-даги турли оромгоҳларда дам ол-дириди. Иш берувчи ва касабга уюшмаси маблаглари ҳисоби-дан маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, ходимларни тадбир-ларда рағбатлантириш учун ҳам салмоқли маблаг ажратилган.

Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам суянчи бўлган кишидан ким ҳам йироқлашгани келади. Натижанда бўлиб ўтган конфе-ренцияда делегатлар томонидан олдиндан ташкилотнинг бир-лашган касабга уюшма кўмитаси раиси вазифасида ишлаб келган Турсуноӣ Жўмартовага яна беш йилга ишонч билдирилди.

Жамиятда ўзаро ҳамжихат-лик, меҳр-оқибат ва хайру са-ховат муҳитини мустаҳкам-лаш мақсадида кўплаб хайрли ташаббусларни илгари сура-ётган, натижада қатта жамоат ташкилоти бўлиб шакллани-шида сайловларда синовлардан ўтган, ишончли оқлаган етак-чиларгина саралаб олинаётгани муҳим пой-девор ва-зифасини ўтамоқда. Айни пайт-да бу жа-раён воҳа-миз бўйлаб кизгин да-вом этмоқда.



Чори ЖУМАҚУЛОВ «ISHONCH»



РАҲБАР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ РАИСИ ГУЛСАРА ҚУРБОНБОЕВА БИЛАН «РАҲБАР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ» ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Учрашувни университет ёшлар масалалари ва маъна-вий-маърифий ишлар бўйича би-ринчи проректори Дилшод Ибо-дуллаев олиб борди.

У мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, жумла-дан, илм олиш, касб-ҳунар эгал-лаш учун яратилган шарт-ша-роитлар ҳақида гапирди. Шу-нингдек, касабга уюшмалари томонидан ёшларни қўллаб-қув-ватлаш борасида олиб борила-ётган чора-тадбирлар ҳақида атрофлича тўхталиди. Бош жамоа

келишуви, минтакавий жамоа ке-лишуви ва жамоа шартномала-вий-маърифий ишлар бўйича би-ринчи проректори Дилшод Ибо-дуллаев олиб борди.

У мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, жумла-дан, илм олиш, касб-ҳунар эгал-лаш учун яратилган шарт-ша-роитлар ҳақида гапирди. Шу-нингдек, касабга уюшмалари томонидан ёшларни қўллаб-қув-ватлаш борасида олиб борила-ётган чора-тадбирлар ҳақида атрофлича тўхталиди. Бош жамоа

талабаси Муниса Озодовага ка-саба уюшмалари стипендиати сертификатни тақдим қилинди.

Учрашув савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Ёшлар ўз фикр-лари ва ташаббусларини илгари суриб, ўзларни қизиктирган са-волларига жавоб олдилар.

Бахтиёр ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

БАЙРАМОЛДИ ТАДБИРЛАРИ



Жорий йилда Ўзбекистон касабга уюшмалари ҳаракатига 120 йил тўлади. Мазкур сана доирасида шаҳар ва туманларда, қатор ташкилотларда турли тадбирлар, шунингдек, соҳа фи-дойилари билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Навбатдаги тадбир Хўжайли туманида ўтказилиб, унда Дав-лат муассасалари ва жамоат хиз-мати ходимлари касабга уюшмаси Қорақалпоғистон кенгаши раиси Раҳмон Мадреймов, бошлангич касабга уюшма ташкилоти аъзо-лари, фаоллари иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққанлар томо-нидан тизимда амалга ошири-лаётган ишлар, хусусан, ходим-ларнинг ижтимоий-иктисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракат-лар эътироф этилди ва касабга уюшмаларининг айни пайтдаги фаолиятига муносиб баҳо бе-рилди.

Тадбирларга бой бундай тадбирлар Ўзбекистон фахрий-ларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, Чимбой туманидаги 22-сонли мактабда ҳам ўзгача руҳда ўтди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Оламда БУГУН

Шимолий Корея доимо шай

Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ин мамлакат Қуролли кучларини ядровий қуролдан фойдаланишга тайёр туришга қақирди.

Ким Чен Ин стратегик қанотли ракеталарнинг навбатдаги синови чоғида мудо-фаа қобилияти ва тийиб туриш кучи фақат кучли ҳужум қуроллари орқали қафо-латланишини таъкидлади.

Шимолий Корея етакчисининг сўзларига кўра, ядровий қуролларни такомил-лаштириш ва улардан суверенитетни ҳимоя қилиш йўлида фойдаланишга шай ту-риш КХДР Қуролли кучларининг бурчидир.



АҚШ НАТОни молиялаштиришни камайтирмоқчи

Дональд Трамп 27 февраль кун АҚШнинг НАТОни молия-лаштиришдаги етакчи ролини тугатиш ниятида эканини билдирди.

«Биз НАТОга ёрдам бериб келамиз, лекин биз бошқалардан кўра кўпроқ ёрдам бераймиз. Мен бунга нуқта қўймоқчиман», деди АҚШ президенти Оқ уйдаги матбуот анжуманида.

Унинг сўзларига кўра, АҚШ «бошқа ҳар қандай давлатга қараганда анча кўп тўлаган». Шу жумладан, мамлакат «онг яхши ҳарбий техника, ўқ-дори ва бошқа жиҳозларни молиялаштир-ган».

«Энди эса биз ўз оғирларимизни тиклашга киришишимиз керак», дея таъкидлади Трамп.



Оламгир ОТАЁР
тайёрлади

Украина ҳудудларини қайтара оладими?

Америка президенти Дональд Трамп Россия назорати остига ўтган Украина ҳу-дудларини қайтариш бўйича музокаралар бўлиб ўтишига ишора қилди.



«Биз ҳақда гаплашамиз, кўрамиз, кўп нарсани Украинага қайтаришга муваффақ бўла оламизми», деди Вашингтон маъмури-яти раҳбари Буюк Британия бош вазири Кир Стармер билан Оқ уйда бўлиб ўтган учрашув чоғида.

Трамп ҳукуматнинг дастлабки йиғили-шида Россия – Украина можаросини ҳал этиш учун Москва мурося йўлини танлаши керак-лигини айтган, аммо аниқ қайси йўналиш-ларда ёнбосиши лозимлигини ошқор қилма-ган эди.

Ҳозирда Украинанинг тахминан 20 фонзи Россия назорати остида.

Буюк Британияда навбатдаги саммит ўтказилади

Буюк Британияда 2 март кун Украина можаросини ҳал қилишга бағишланган саммит бўлиб ўтади, унда 18 та давлат вакиллари иштирок этади.



Бу ҳақда Буюк Британия бош вазири Кир Стармер АҚШ президенти Дональд Трамп билан суҳбат чоғида маълум қилди.

Стармер айни вақтда Бри-тания ҳукумати Франция ва НАТО вакиллари билан музо-каралар олиб бораётганини, уларни ҳам саммитга тақлиф қилиш режалаштирилганини билдириб ўтди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида аниқ ва режалли мақсад, қатъият, кучли сиёсий ирода мужассамлашган. Тараққийимизнинг кейинги ривожланиш босқичлари содда-лўнда ифодалаб берилди. Истиқболда ҳаракатлар стратегиясида белгиланган 5 та устувор йўналишда акс этган 100 та муҳим мақсадни амалга оширишдек масъулиятли вазифа турибди. Бу жараёнга баландпарвоз гаплар билан эмас, балки амалий ҳаракат, ҳаёт тақозо қилаётган масалаларни ҳал этиш билан эришмоғимиз даркор. Таъбир жоиз бўлса, ҳаёт сифатини, турмуш фаровонлигини ошириш бугунги интилишга боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили ҳам Ҳаракатлар стратегиясининг ажралмас қисмидир. Бу йўналишдаги уринишлар турмушимизда қай даражада самара бермоқда? Ютуқлар нимада? Дефиснишлар-чи? Келинг, бугун кўпчиликка намуна сифатида тақдим этилаётган Самарқанд тумани маҳаллалари мисолида бу саволларга жавоб топишга уриниб кўрайлик.

– Президентимизнинг ўтган йил 5 мартдаги «Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорка ва дехкон хўжаликларига янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳа ривожини янги поғонага олиб чиқди, – дейди Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов. – Янги тизим асосида ривожланаётган Самарқанд тумани маҳаллаларида бу жараён натижалари яққол намоён бўляпти. Яқинда ҳудудда айни мавзуда ўтказилган республика семинари иштирокчилари ҳам бу фикрни бот-бот такрорлашди.

МАҲАЛЛА НИМАСИ БИЛАН ЎРНАК?

Тарихи XV асрга бориб тақалувчи Дехнав маҳалласи табиати, меҳнаткаш аҳли билан танилган. 635 та хонадондан иборат бўлган маҳаллада бекорчининг ўзи йўқ. Айни чоғда 311 хонадон мўъжаз томорқасидаги иссиқхонада, 117 та оила (ёй шаклида, плёнка остига) кўкат етиштиришга ихтисослашган. 123 та оиладагилар очик майдондаги томорқалардан фойдаланса, 53 та оила ўзларига боғдорчиликни касб қилиб олган.

– УЧ ЯРИМ СОТИХ ТОМОРҚАМИЗДА 75 ТУП ЛИМОН ПАРВАРИШЛАЙМИЗ, – ДЕЙДИ РАҲИМ ЖАЛИЛОВ. – БИР ЙИЛДА САЛКАМ 2,5 ТОННА ҲОСИЛ ТЕРИБ ОЛИШГА ЭРИШАЙМИЗ. АТРОФДАГИ ЎТ-ЎЛАНЛАР ҲИСОБИГА ҲАР ЙИЛИ 9-10 БОШ КЎЧҚОР БОҚАМИЗ. ЎРТАЧА ЙИЛЛИК ДАРОМАДИМИЗ 60 МИЛЛИОН СЎМДАН КАМ БЎЛМАЙДИ.

Уч кишилик оила бошлиги Маматкул Қодиров 5 сотихлик томорқасининг 4 сотихида иссиқхона ташкил этган. Кўкат, помидор, бодринг етиштиради. Томорқадан бир йилда уч марта ҳосил олади. Маҳаллада

МАҚСАД ВА ҲАРАКАТ ЎЙҒУНЛАШСА...



етти хазинанинг бири бўлмиш томорқадан самарали фойдаланаётган хонадон эгаларининг аксари 35 миллиондан 70 миллионгача даромад қилишаётган экан.

– Маҳаллаимиз тадбиркорлари сазй-ҳаракати билан ҳудудда 15 та янги лойиҳа ишга туширилди, – дейди Дехнав маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шодмон Шамсиев. – Янги яратилган иш ўринларига ижтимоий муҳофазага эҳтиёжманд, «Аёллар дафтари»га киририлган ва ишсиз фуқароларни жойлаштирганмиш.

Хунарманд-қосибчиликка ҳам кенг ўрин берилмоқда. Кайвони момо ва боболаридан қолган хунарни асраб қолганлар ҳам оз эмас. Айни чоғда, бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг 26 нафари бевосита шу касб орқали ўз бандлигини таъминлаган. Маҳалла аёлларидан иборат 23 кишилик жамоа зардўзлик ва тикувчиликнинг аънаваний усуллари устасига айланган.

Тумандаги Шўрбонча маҳалласи аҳли ҳам «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили самарасини яққол хис қилмоқда. 2023 йилда маҳалладаги 16 нафар ишсиз фуқарога 5 гектар ер жарога берилган. Ҳар бири ўттиз сотихлик ер соҳибига айланган фуқаролар бир йилда уч мартагача ҳосил олишга муваффақ бўлишмоқда. Маҳалла раиси Орзикул Эшонқуловнинг эътирофи эйтишча, ижара асосида ишлаётганларнинг йиллик даромади юз миллион сўмдан ошаётган экан.

Маҳаллада 300 дан ортиқ оила томорқадан даромад топяпти. Иссиқхона хўжаликлари ва чорвачиликни ривожлантириш, аҳоли кўшимча даромад олиши учун йўналтирилган 3 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари ўзини тўла оқламоқда.

БЕМИННАТ КЎМАКЧИ ҲАМ БОР

Тадбиркор Саид Ҳамидов бундан уч йил илгари асос солган «Samagrocenter» МЧЖ

томорка ва дехкон хўжаликлари маҳоратини ошириш, ерга ишлов бериш, маҳсулот етиштириш ва сотишда кўмаклашишга ихтисослашган. 90 кишини фойдали юмуш билан банд этган бу ташкилотда ҳозир томорка ва дехкон хўжаликларига хизмат кўрсатадиган 12 турдаги техникалар мавжуд.

– АЙНАН АҲОЛИ ТОМОРҚАСИ УЧУН АҚШ, ТУРКИЯ, ИСПАНИЯ, ФРАНЦИЯ, РОССИЯ СИНГАРИ ДАВЛАТЛАРДАН 25 ТУРДАГИ Ф-1 РЕПРОДУКЦИЯЛИ, СЕРҲОСИЛ ВА КАСАЛЛИККА ЧИДАМЛИ САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР УРУҒЛАРИНИ КЕЛТИРИБ БЕРЯЙМИЗ, – ДЕЙДИ ТАДБИРКОР.

Ернинг тилини билмаган ютқазди. Маҳсулот етиштиришга юқори технологияни олиб кирмасдан мақсадга эришиб бўлмайди. МЧЖ кўмағида Туркия ва Россиядан жалб этилган мутахассислар хўжалик юритишнинг замонавий усуллари тўғрисида самарқандлик 45 нафар агрономга сабоқ берапти. Республика семинари доирасида МЧЖга вилоятдаги оғир тоифадаги маҳаллаларга зарур бўлган 40 та минитракторнинг топширилиши бу борадаги ишлар янада жонланишига асос бўлади.

СУВИ ТИНИҚ СОЙ БЎЙИ ҲАМ ДАРОМАД

Афсонавий Самарқанд қоғози билан танилган Кониғил маҳалласи аҳли хунармандчилик билан донг таратган. Тадбиркор Зариф Мухторов илк бор оқар сув имкониятларидан фойдаланишни йўлга қўйган. Эски

сув тегиримини кўмағида қоғоз ишлаб чиқариш тикланди. Кейинчалик мой, ун, гуруч тегиримонлари ишга туширилди. Отамерос хунарга меҳр қўйганлар сафи кенгайди. 939 хонадонли маҳаллага туризм кишлоғи мақоми берилгач, 107 та сайёҳлик объекти барпо этилди. Ҳозир унда 5 та гузар, 35 та савдо шохобчаси ва 20 та оилавий меҳмонхона, 15 та хунармандчилик устaxonаси мавжуд.

Эндиликда «Соҳил бўйи» мастер режаси асосида 52 та лойиҳа амалга оширилиб, 415 та янги иш ўрни яратиш тадориги кўриляпти. Маҳаллада азалий шарқ хунармандчилигининг барча йўналишларида изланаётганлар бор. Шунингдек, 6 киши кулолчилик ва ўймакорлик хунари билан банд. 2 та тегиримон ишлаб турибди, 11 нафар зардўз ва тикувчи ёшларга устозлик қилмоқда. Новвой, бешиксоз ва мусика асбоблари ясовчи усталар, гилачи-ю, пичоқчилар хунарсодасидан ишли, даромадли бўлишди.

Бугунги кунда Самарқандга келган минглаб туристлар Кониғилга бормасдан, аънаваний меросни авайлаб келаётганлар хузурда бўлмасдан қайтишмаётир. Ўз хунармандчилиги, кишлоқ хўжалиги, чорвачилиги ва албатта, меҳмондўстлиги билан машҳур кишлоқ аҳлининг эшиги доимо барчага очик. Меҳмонларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун зарур шароитлар яратилган. Оилавий меҳмон уйлари, дам олиш зоналари, пиёдалар йўлаклари, умумий овқатланиш шохобчалари ва бошқа имкониятларнинг барчаси бор.

Юртимизда Кониғил сингари гўзал гўшалар ҳам, унумдор ерлар ҳам бисёр. Бетақдор табиатимиз, саховатли заминимизнинг ҳар қаричидан унумли фойдаланасак, эзгу муддаомизга эришамиз.



Нурлла ШАМСИЕВ «ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз



ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАЪТИЛ ҚАЙСИ ХУДУДЛАРДА БЕРИЛАДИ?

САВОЛ: Айрим жойларда экологик вазият билан боғлиқ ҳолда ҳам ходимларга кўшимча таътил берилар экан. Бундай таътил неча кундан иборат бўлади ва қайси худудларда қўлланилади?

Назокат ОРТИҚОВА

Навоий вилояти

ЖАВОБ: Қонун ҳужжатларида, ҳақиқатан ҳам, экологик вазиятга боғлиқ ҳолда ходимга кўшимча меҳнат таътили берилиши кўзда тутилган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 483-моддасида ноқулай табиий-иклим шароитларидаги иш учун ҳар йили кўшимча таътил берилиши, бундай худудларнинг рўйхати ва ноўнгай шароитлардаги иш учун бериладиган йиллик кўшимча таътилни энг қисқа давомийлиги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилашни кайд этилган.

Хукуматнинг 2019 йил 6 сентябрдаги «Меҳнат бозорига меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан Табиий-иклим ва маиший шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга туман коэффициентларини, шунингдек, уларга ҳар йили бериладиган кўшимча таътилни энг кам муддатини белгилаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган. Унга қўра, экологик жиҳатдан ноқулай Орол бўйидаги худудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятлари)нинг баъзи шаҳар ва туманларида ишловчи ходимлар учун ҳар йилги асосий таътил давомийлиги 27 иш кунигача миқдорда белгиланади ва ходимга ишлаган ҳар беш йили учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саккиз календарь кундан кўп бўлмаган ҳар йилги кўшимча меҳнат таътили берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Меҳнат кодексининг 234-моддаси талабларига мувофиқ ноқулай табиий-иклим шароитларидаги иш учун ҳар йилги кўшимча таътил берилганидан ундан асли ҳолида фойдаланилади ҳамда меҳнат даврида пулли компенсация билан алмаштирилишига йўл қўйилмайди.

Хукук ва халқаро ҳаёт бўлими

Маҳмуд Носирович Турунов (марҳум, 2023 йил 17 июнда вафот этган)нинг моҳ-мулкига мерос иши очилган маълум қилинди. Меросқўрлар Тошкент шаҳрида ҳусеий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Н.И.Олдашеванинг нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралди. Мангил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 1-«А» уй.



ТРАМП ВА МАТБУОТ

25 ФЕВРАЛДАН ОҚ УЙ ФАОЛИЯТИНИ ЁРИТИШДА ЯНГИ СИЁСАТ АМАЛ ҚИЛА БОШЛАДИ. АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ МАТБУОТ КОТИБИ КАРОЛИН ЛЕВИТТ ОАВ ДОНАЛД ТРАМП БИЛАН БОҒЛИҚ ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШИ МУМКИН, АММО ЁПИҚ ЖОЙЛАРДА ИШЛАЙДИГАН ЖУРНАЛИСТЛАР ТАРКИБИ ЎЗГАРАДИ, ДЕЯ БАЁНОТ БЕРДИ. УНИНГ СЎЗЛАРИГА КЎРА, БУНДАН БУЁН ПРЕЗИДЕНТ ИШЛАЙДИГАН ОВАЛ КАБИ-НЕТДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ТАДБИРЛАРДА ҚАЙСИ ОАВ ВАКИЛИ ИШТИРОК ЭТИШНИ ОҚ УЙНИНГ ЎЗИ БЕЛГИЛАЙДИ. ИЛГАРИ БУ МАСАЛАНИ ОҚ УЙ МУХБИРЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ (ИНСА) ҲАЛ ҚИЛАР ЭДИ.

Хукуматнинг дастлабки йиғилишига Reuters, Associated Press каби бир қатор матбуот вакиллари киритилмади. «Қора рўйхат»га тушганлар орасида Associated Press фотомухбири, HuffPost ва Der Tagesspiegel сингари нашрлар бор. Анжуманда ABC, Newsmax, Axios, The Blaze, Bloomberg ва NPR мухбирлари қатнашди. Оқ уй пулига аввалдан аъзо AP, Bloomberg ва Reuters эълон қилган кўшма баёнотда, сиёсий қарашларидан қатъи назар, узоқ йиллар Оқ уй фаолиятини ҳолис ёритиб келгани ва дунё матбуоти президент билан боғлиқ янгиликларни айнан улар орқали олгани таъкидланди, янги сиёсатга нозилик билдирилди. HuffPost наشري Оқ уйнинг мазкур қарори 1791 йилда Конституцияга киритилган Биринчи ўзгаришлар, яъни хукумат эркин сўз ва матбуотни чекламайди, деган талабига мутлақо зид эканини эслатди. Айрим журналистлар бундай чеклов ҳолис ахборот тарқатишда, шунингдек, дунё молия бозори ва АҚШнинг халқаро ҳамкорлари ичда салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини кайд этишди.

Reuters агентлиги АРнинг пулдан чиқариб юборилиши сабабини унинг Трамп таклиф қилганидек, Мексика бугўзини «Америка бугўзи», деб ёзишга кўнмаганида кўради. 28 январда Левитт журналистларнинг брифингларда қатнашиши масаласида ўзгаришлар бўлишини маълум қилиб, аънаваний ОАВ билан бир қаторда, инфлюенсерлар, TikTokчилар, блогерлар, подкастчилар ва ноаънаваний медиа вакиллари ҳам аккредитациядан ўтказилишини билдирган эди. Дра агентлиги президент Трамп ад-

министрацияси матбуотга нисбатан доим икки хил муносабатда бўлган, дейди. Бир томондан, у Жо Байдендан фарқли ўлароқ, журналистлар билан эркин мулоқот қилади. Трамп ҳар қандай вазиятда ҳам журналистлар саволларига эринмай жавоб қайтаради. Ҳар ҳолда, 2017-2021 йилларда шундай эди. Бошқа томондан, Трамп сайловолди кампанияси даврида аънаваний ОАВдан бироз узоқ турди, асосан унинг сиёсий қарашларини қўллаб-қувватлайдиган блогер ва подкастчиларга интервью берди. Трамнинг ўзи анча йиллардан бери ижтимоий тармоқлардан унумли фойдаланади. Биринчи президентлик даврида у Twitter билан «дўстлашган» бўлса, сўнгги йилларда ўзи яратган Truth Social платформасида чиқишлар қилипти.

Оммавий тадбирларда, айниқса, сайловолди митингларида Трамп журналистларни севмаслигини айтиб, уларни кескин танқид қилди. У доимо ОАВ «халқнинг душмани» деб атаб, журналистларни ёлғон ахборот тарқатишда айбдор экан, ўзига маълум келмаган телеканалларни ёпиш билан таҳдид қилади. Аброр ХОН

ШАП-ШАП ДЕЯВЕРМАЙ, ШАФТОЛИ ДЕСАНГИЗ-ЧИ?!

Чиройли сўзлашни яхши кўрамыз. Гапирганимизда одамлар оғзини очиб қолса, деймиз. Бунинг учун ҳеч ким йўғида ойнага қараб машқ қиламиз, айтиладиган гапларни ёзиб олиб, уни ўзимизга ўзимиз биров тутиб турган қоғоздаги тайёр матни тутти-тутти ўқиб беришади. Аммо бу узундан-узоқ, жингала-жингала жумлалардан бирон маъно англаш маҳол, экранга қараб туриб, «Ҳой, барака топгур, сал одамга ўхшаб гапирсанг бўлмайми?» деворинг келади. Чунки ёзма материал бошқа, одамнинг жонли сўзи бошқа.

Маҳаллада турасанми, ё маҳалланинг фуқаролар йиғинидами, десам, «Нима фарқи бор», деб анграяди. Ахир, йиғин – йиғинли, мажлис, дегани-ку? Наники одам... йиғинда яшаса? Қаранг, шунақа ифодаларга ўрганиб ҳам қоларкан-да киши. Маҳалла – ўзбекиники, дунёнинг биздан бошқа ҳеч қаериди маҳалла деган нарса йўқ. Аммо маҳалла идорасини руслар «Сход граждан махалли» дейишгач, дарров сўзма-сўз таржима қилиб, «Махалла фуқаролар йиғини» дедик-қўйдик-да!

Шундай ҳолларни кўра-кўра, ўзим ҳам ажабтовур қилиб сўзлашга ишқивоз бўлиб қолдим. Э, бунинг гапни бир бошқача бўларкан! Пенсияга чиқовлиб, даволашга тўрт-беш дархот экиб кўчиртирдим. Ана энди кимдир, пенсионерлигимдан беҳабар, «Нима иш қиласиз?», деб сўраса, «Боғбончилик бўйича боғбонман», дейдиган бўлдим. Анграйиб қолди. «У нимаси?», деб сўраса, «Эътирозингизни Олий аттестация комиссиясига бориб айтинг», деб оғзига ураман. Нимагаки, ёшлигимда филология фанлари номзоди эдим. Ҳозир номзодлик деган гапнинг номзоди ўтмайди. «Филология фанлари бўйича фалсафа доктори» деб айтиш керак, қайтимига бонус қилиб, инглизча «PhD» деб қўшиб қўйсангиз, илмингиз мундайроқлиги ҳам билинмай кетади. Йўқ, ўзингиз аввал бир қаранг, «Биология фанлари бўйича фалсафа доктори» + «PhD!» Қандоқ чиройли янграйди! Ҳаммаёқ жаранг-журунг бўлкетайди. Ё тавба!

Илгари Ўзбекистонда «фан номзоди», «фан доктори» деган икки илмий даража, «доцент», «профессор», «академик» каби илмий унвонлар бор эди. Энди-чи? Отини айтишга тил айланмайдиган атамалар болалаб кетди. Оддийгина талабаларнинг ўзи иккига бўлиниб, бакалаврият ва магистратурага ажратилди. Энди бакалавр бўлиш – чала бир иш, истиқбол кам, магистр бўлмасангиз, илмий иш қилишга йўли така-так берк. Магистр бўлишга, ишонч билан олий маълумотлиман десангиз бўлади. Аммо таажжубки, нафақат бакалаврлар, ҳатто бугунги аксар магистрлар ҳам аввалги олий маълумотлиларнинг ярмича билимга эга эмас.

Шундай экан, беш йиллик олий таълимдан воз кечининг ўзи хатоларимизнинг боши бўлмадимкин, деган фикрга келасан, киши. Нима бўлганда ҳам, бу тартиб-ёшлар умрининг камида бир йиллини – умрининг энг сўлим дамиридан бир йилни елга совирапти. Ахир, бакалавриятни тугатган, аммо магистратурада ўқишга ё шароити кўтармаган, ё отасининг маблағи етмаган бола эплаб-сеплаб «кириб олган» боладан билими дурустроқ бўлиши ҳам мумкин-ку?

Хайриятки, ўрта мактаб соҳасида «9+3» тизимидан воз кечиб, ўнбир йиллик таълимга кайтдик. Йўқса, бунда ҳам бир йилни бой бериб, бошлар ўн икки йил ўқишга мажбур эди. Ана шу шижоатнинг заботи нимагадир олий таълим соҳасига тўлиқ етиб бормай қолди. Қадимки Юнонистонда боланнинг мактаб ўқувчилари академик деб, уларнинг мак-

таби эса академия деб аталган. Баъзи жойларда ҳозир ҳам магистр дегани фан номзодидан (ёки боғи «PhD»дан) юқорироқ саналади. «Файласуф»-ку, янада антика – Гоголь «Вий» асарига нодон ва чаласавод мактаб болани файласуф деб атаган.

Хў-ўш, химик бир олим фалсафа билан шугулланмас экан, уни «Фалсафа доктори» деб атаган билан у файласуф бўлиб қоларканми? Қачон илмда, таълимда ҳам мустакил бўламиз?

Бизнингча, фан бошқаларнинг ногорасига қилишларини эмас, собитлигини тақозо қилади. Аввало мақбулликни, қолаверса, ўрганиш бўлиб қолганини ҳисобга олиб, фан номзоди, фан доктори деган атамаларга қайтганимиз дуруст кўринади. Зеро, янаям гажақлироқ бир ном берганингиз билан тадқиқотнинг илми ошиб-тошмайди.

Социология фанлари бўйича... фалсафа доктори, физика-математика фанлари бўйича... фалсафа доктори, боринг ана, чорвачилик фанлари бўйича ҳам... фалсафа доктори. Яна ҳаммасининг думига «PhD» деган ходани ҳам улаш керак. Боғбончилик бўйича боғбон дегани ундан чандон жўн-ку. Ўш-ку, бизда мундай бир тузуқроқ файласуф йўқ, аммо ҳаммаёқни фалсафа доктори босиб кетганини қаранг.

Кесатиғу киноя, пичингу учирларни қўйиб туриб, жиддий айтидиган бўлсак, ўрсинг атамаларидан воз кечингиз кечяпмиз-да, ўша оннинг ўзида фарга танда қўяяпмиз. Бунинг нима қаромати бор экан, бизга аён эмас.

Жўжаҳўроқ футбол шарҳловчилари «дар-вазобон»дан воз кечиб, «голкнпер», ҳужумчини – «форвард», ён хаками – «лайнмен», қўшни жамоалар беллашувини «дерби» деб атай бошлашади? Ким уларга ана тилимизни бузишга ҳуқуқ берган?

Яна бир атаманинг чайналишига эътибор беринг. Мен кўп йиллар кутубхонада ишлаганман. Кутубхона – табаррук маскан. Бу сўзнинг ўзи қандоқ ярашқини! Шунинг учун барча юрғларда кутубхона ўша тилдаги номда сақлаб қолинган. Бизда эса, нима учундир, шундай гўзал сўздан воз кечиб, «ахборот-ресурс маркази» деган аллатовур атамга ўтилди. Яна денг, буниси ҳам сертармоқ; туману шаҳарлардаги, мактаб ва бошқа муассасалардагисининг номи АРМ (ахборот-ресурс маркази), вилоят марказидагилари эса АКМ (ахборот-кутубхона маркази) деб аталар эмиш. Хўш, бирон шаҳардаги АРМ унча-мунча вилоят АКМдан қўлам-лироқ бўлса-чи? Барибир, «АРМ» деб аталарканми? Мантиқ қани? Бунинг учун, кутубхонани дейиш ҳам хато эмиш, «ахборот-ресурс маркази мутахассиси» деб айтиш керак экан эмиш.

Хўш биласиз, чорак асра аввал Ўзбекистонда мактаб ва бошқа ўқув юртиларида «рейтинг системаси» деган бир янгилик жорий қилинган эди. У билан берида эмас, билими баҳолашда қўлланадиган мураккаб бир тизим эди. Муаллим дарсга калькулятор кўтариб кириб, бухгалтерия билан шугуллангани мажбур бўларди. Рейтинг балоси узок ҳукм суриб, энди бартараф бўлди. Унчага миллионлаб боланинг, неча ўн минглаб ўқитувчининг бошини қотирди, умрларининг энг қимматли вақтини ўғирлади. «Рейтинг» асосида баҳолашга ўтиб, нима ютдик – ким айтди?

Демак, ҳар қандай янгилик (жумладан, аввалдан бор нарсаларнинг номини ўзгартириш) тараққиётга олиб келавермас экан. Ҳар қандай ажабтовур нарсани, агар жудаям жозибали кўринса, кичикроқ бир қўламда синовдан ўтказиб, кейин жорий қилиш керакмикан?

Лоақал, биз сўз юритаётган масаладаги ўзига ҳосликни олиб қаранг. Ҳар қандай нарса – ҳатто у хато бўлса ҳам, тилга кирди, қанча, қанча, бу онга ҳам кирди дегани, кейин уни оғмур билан ҳам тортиб чиқариб бўлмайди.

Бой, оҳорли тилимизга бетайин, мантиқсиз ифодалар кириб қолмасин. Ушанақа аллатовур сўзлариз ҳам кунимиз ўтади. Бугунги глобализация замонида бу ниҳоятда долзарб. Чунки ўрсиниз сўз ва ифода шакллари байини танага сукулган чарён ниши – она тилимизнинг баданни илвриятини қониға ўтади ва жонига қасд қилади.

Ана шундан эҳтиёт бўлайлик!

Жўжаҳўроқ футбол шарҳловчилари «дар-вазобон»дан воз кечиб, «голкнпер», ҳужумчини – «форвард», ён хаками – «лайнмен», қўшни жамоалар беллашувини «дерби» деб атай бошлашади? Ким уларга ана тилимизни бузишга ҳуқуқ берган?

Яна бир атаманинг чайналишига эътибор беринг. Мен кўп йиллар кутубхонада ишлаганман. Кутубхона – табаррук маскан. Бу сўзнинг ўзи қандоқ ярашқини! Шунинг учун барча юрғларда кутубхона ўша тилдаги номда сақлаб қолинган. Бизда эса, нима учундир, шундай гўзал сўздан воз кечиб, «ахборот-ресурс маркази» деган аллатовур атамга ўтилди. Яна денг, буниси ҳам сертармоқ; туману шаҳарлардаги, мактаб ва бошқа муассасалардагисининг номи АРМ (ахборот-ресурс маркази), вилоят марказидагилари эса АКМ (ахборот-кутубхона маркази) деб аталар эмиш. Хўш, бирон шаҳардаги АРМ унча-мунча вилоят АКМдан қўлам-лироқ бўлса-чи? Барибир, «АРМ» деб аталарканми? Мантиқ қани? Бунинг учун, кутубхонани дейиш ҳам хато эмиш, «ахборот-ресурс маркази мутахассиси» деб айтиш керак экан эмиш.

Хўш биласиз, чорак асра аввал Ўзбекистонда мактаб ва бошқа ўқув юртиларида «рейтинг системаси» деган бир янгилик жорий қилинган эди. У билан берида эмас, билими баҳолашда қўлланадиган мураккаб бир тизим эди. Муаллим дарсга калькулятор кўтариб кириб, бухгалтерия билан шугуллангани мажбур бўларди. Рейтинг балоси узок ҳукм суриб, энди бартараф бўлди. Унчага миллионлаб боланинг, неча ўн минглаб ўқитувчининг бошини қотирди, умрларининг энг қимматли вақтини ўғирлади. «Рейтинг» асосида баҳолашга ўтиб, нима ютдик – ким айтди?

Демак, ҳар қандай янгилик (жумладан, аввалдан бор нарсаларнинг номини ўзгартириш) тараққиётга олиб келавермас экан. Ҳар қандай ажабтовур нарсани, агар жудаям жозибали кўринса, кичикроқ бир қўламда синовдан ўтказиб, кейин жорий қилиш керакмикан?

Лоақал, биз сўз юритаётган масаладаги ўзига ҳосликни олиб қаранг. Ҳар қандай нарса – ҳатто у хато бўлса ҳам, тилга кирди, қанча, қанча, бу онга ҳам кирди дегани, кейин уни оғмур билан ҳам тортиб чиқариб бўлмайди.

Бой, оҳорли тилимизга бетайин, мантиқсиз ифодалар кириб қолмасин. Ушанақа аллатовур сўзлариз ҳам кунимиз ўтади. Бугунги глобализация замонида бу ниҳоятда долзарб. Чунки ўрсиниз сўз ва ифода шакллари байини танага сукулган чарён ниши – она тилимизнинг баданни илвриятини қониға ўтади ва жонига қасд қилади.

Ана шундан эҳтиёт бўлайлик!

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yatga olingan.
ISSN 2030-5002
7 72030 50007

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqsim SHOILOMLOV, Hamidulla PIROMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV
Bo'limlar:
Kasaba uyushmalar hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzak viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rinishidagi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
Navbatchi muharrir: S. Abdurahmonov
Musahhirlar: D. Xudoyberganova, U. Xudoyberganova
Sahifalovchi: H. Abdullajlov
Bosishga topshirish vaqti – 00:20
Topshirildi – 00:50
Bahosi kelishilgan narxda
Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 32 463 ta
Shundan: 6 275 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turok ko'chasi, 41-uyda;
18 277 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
7 914 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-ab' uyda chop etildi.
Gazetaning poligrafik texnika bilan ta'minlashi chop etilishiga bosmaxonaga mas'ul.
Gazetaning etkazib berilishi uchun o'zining rasmiy sayti orqali tashkilot javobgar.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G - 311
1 2 3 4 5 6

ҚИСКА РАҚАМЛАР ОРТИДАГИ КАТТА МАСЪУЛИЯТ



Бугун ҳаётимизни замонавий алоқа воситалари, масалан, телефонсиз тасаввур этиш қийин. Айниқса, смартфонлар чексиз хизмат «қутичаси»га айланган. Жумладан, хавфсизлик масаласида ҳам унинг ёрдами чексиз. Хусусан, бугун бу борада кўплаб тармоқлар яратилган ва фавқулодда вазиятлар рўй берса, дарҳол махсус рақамни териб ёрдам чақирамиз. Тез ёрдам, ўт ўчириш хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг махсус рақамлари шулар жумласидан.

Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, масалан, 1937 йилда Буюк Британия фавқулодда вазиятлар учун универсал рақамни ишга туширган биринчи мамлакат бўлган. Ушбу 999 рақамли ягона телефон тизими полиция, ўт ўчирувчилар ва шифокорлар томонидан ишлатилган.
Универсал алоқа тизимида биринчи марта 999 рақами бўлиб, илк бор Лондонда соат эрталаб тўртда бир аёл томонидан ишлатилган. У уйига ўғри тушганини хабар берган ва бир неча дақиқадан сўнг жиноятчи ҳибсга олинган.
1959 йилда Канада ҳам битта универсал рақамнинг фойдаланиши бошланди. АКШда эса универсал ёрдам рақамини яратиб 1957 йилда пайдо бўлди.
Ушундан Миллий ўт ўчирувчилар

ассоциацияси бутун Америка бўйлаб битта хона яратиш ва ундан фойдаланишни тақлиф қилади. 1968 йилда Федерал алоқа комиссияси AT&T (Америка трансмиллий телекоммуникация конгломерати) компаниясига ўт ўчирувчилар, полиция ва соғлиқни сақлаш хизматларини бириктиришга асос қилиб АКШнинг барча аҳолиси фойдаланиши учун универсал телефон рақамини яратишга буюртма берган.
AT&T 911 тезкор алоқа рақамини ташкилади, чунки уни эслаб қолди осон ва жуда тез териш мумкин. Рақамларнинг бундай комбинацияси илгари ҳеч қачон телефон коди ёки бирон-бир хизмат рақами сифатида ишлатилмаган.
Бугунги кунда АКШда ҳар йилли ушбу хизмат операторларига 200 миллион мартадан ортиқ кўнгрор бўлади. «911 хизмати»дан АКШнинг 99 фоиз

аҳолиси фойдаланмоқда. Бунинг учун 6 мингдан ортиқ диспетчерлик марказлари мавжуд. Уларнинг аксарияти махсус ускуналар билан жиҳозланган.
Албатта, бошқа мамлакатлар ҳам бир хил турдаги хизматларни яратилган. Масалан, Бельгия 900, Дания ва Австралида 000, Швейцарияда 80 000, Японияда 119, янги Зеландияда 111, Россияда 112 киска рақамлари ишга туширилган.
Бундай кўринишдаги рақамлар ўзимизда ҳам бор. Хусусан, 101,102, 103, 104 ва бошқалар шулар жумласидан.
Умуман олганда, киска рақамлар ортида катта ташвишлар, катта масъулият мавжуд.
Дилноза АБДУҚОДИРОВА, фуқаролик ишлари бўйича ўқитма туманлараро судининг судьяси

Азиз газетхон!
Мароқли дам олинг!



Муҳаббат Шамаева ижросида
«ЎРИК ГУЛЛАГАНДА» қўшиғи

Новдаларни безаб гунчалар,
Тонгда айтоди ҳаёт отини
Ва шаббодда қурғур илк саҳар
Олиб кетди гулнинг тотини.
Ҳамид Олимжон шеъри